



Дуо ибодатдир

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дуо ибодатдир», – дедилар ва Аллоҳнинг: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар» оятини қироат қилдилар» [Ғофир:60].

[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда дуо ибодат эканини хабар бермоқдалар. Шунинг учун дуонинг барча тури холис Аллоҳ учун бўлиши керак. Дуо иккига бўлинади. — Сураш ва талаб қилиш дуоси: Дунё ва охиратига манфаатли нарсани ёки бирор хил зарарларни кетказишни сўрашдир. — Ибодат дуоси: У Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган, зоҳирий ва ботиний сўз ва амаллардир. Ибодат қалб, бадан ёки мол билан бўлади. Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг ушбу сўзини далил қилдилар. Аллоҳ таоло айтади: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар».

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5496>

